



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

• 1999 йил 15 декабрь, чоршанба

• № 98 (11.181)

Эркин нарҳда сотилади

**ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислам Каримов тақлифига биноан Россия Федерацияси ҳукумати раиси Владимир Путин 10-11 декабрь кунлари расмий таширф билан мамлакатимизда меҳмон бўлди.**

Таширфининг асосий ва муҳим қисми Дўрмон қароргоҳида бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ҳамда Владимир Путин яккама-якка учрашиб, шу куннинг долзарб масалалари, ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истиқболлари тўғрисида фикр алмашди. Иқтисодий ҳамкорлик давлатларимиз ўртасидаги борди-келди, олдидоғини ривожлантиришга қаратилган, аммо муҳими факат бунда эмас. Мамлакатнинг иқтисодий тарққиётини, савдо-сотик, маҳсулот ишлаб чиқариш тизими қандай йўлга қўйилгани, дунёдаги илгор давлатлар билан қай даражада шериклик қилишига боғлиқ. Шундай экан, хорижий давлатлар, жумладан, Россия

## ЎЗБЕКИСТОН - РОССИЯ:

### ҲАМКОРЛИК КУЧАЙМОҚДА

мас экан, у эртага бундан ҳам ашаддий тус олади. Айтиш мумкин, фаровон келажак куриш бугун ҳавфсизлик чоралари нечоғли қатъий йўлга қўйилгани билан кафолатланади. Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокара-ларида икки давлат ўртасидаги иқтисодиёт, ҳавфсизлик, мудофаа саноати, божхона ва бошқа соҳалар бўйича ҳамкорликни чуқурлаштириш масалалари муҳокама этилди. Мазкур масалаларнинг ижобий ҳал қилинишидан ҳар икки томон ҳам бирдек манфаатдор эканлигини томонлар очик эътироф этди. Ўзбекистон билан Россия ўртасида дипломатик муносабатлар 1992 йили ўрнатилган. Шундан буён ўзаро ҳамкор-

лик изчил ривожланиб бора-ляпти. Утган йиллар ичида турли максалларга йўналтирилган 150дан ортққ ҳужжат имзоланган. Жумладан, молия, маданият, фан ва техника, таълим, ахборот, спорт ва сайёҳлик бўйича, шунингдек, иқтисодий интеграцияни кучайтириш ва ҳарбий соҳада ҳамкорлик бўйича ҳужжатлар бор. 1998 йилнинг май ойида Ислам Каримовнинг Россияга таширфи, ўз навбатида уша йилнинг октябрида Россия Президенти Борис Ельциннинг Ўзбекистонга таширфи давлатларимиз бирдамлигини янада мустаҳкамлади, дейиш мумкин. Бу таширфда чоғида ҳамкорликда «ИЛ» русумли самолётлар ишлаб чиқариш, 1998-2007 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартно-

ма ва бошқа ҳужжатлар имзоланди. Дўрмондаги музокара-лар жуда самарали ўтди, десак хато бўлмайди. Томонлар кун тартибдаги масалалар юза-сидан атрофлича фикрлашди. Музокара-лардан сўнг, Президенти Ислам Каримов ва бош вазир Владимир Путин Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги шартномани имзолади. Шунингдек, икки мамлакат божхона қўмиталари ўртасида акция солиғи солинган товарларнинг ҳаракати устидан божхона назорати ўрнатишни ташкил этиш борасида ҳамкорлик ҳамда таширф савдо бўйича божхона статистикаси соҳасида тажириба ва ахборот

## СЕРМАЗМУН

Кунлар

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президентининг шу йил 13 декабрдаги Фармонига мувофиқ Алишер Омонуллоевич Файзуллоев Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британия ва Шимолий Ирландия билан бирлашган қироллигидаги факултода ва мухтор элчиси этиб тайинланди.

МАЪЛУМКИ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳадис ва фикр илмининг равнақиға улкан хисса қўшган аллома Абу Мансур ал-Мотурудий таваллудининг 1130 йиллигини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Вазирлар Маҳкамасида 2000-йилда ўтказилган ана шу тадбирга тайёргарлик куриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни республика Бош вазирининг ўринбосари, ташкилий қўмита раиси Х. Кароматов бошқарди. Вазирлар Маҳкамасининг қуни кеча матбуотда эълон қилинган «Муборак Ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам қўраштириш ҳақида»ги қарорини мамлакатимиздаги барча мўмин-муслимлар катта қувонч билан қутиб олдилар. Шу йилнинг 13 декабрь куни Вазирлар Маҳкамасида республика Бош вазирининг ўринбосари Х. Кароматов раислигида муборак Ҳаж зиёратини ташкил этишга амалий ёрдам қўрашувчи ишчи гуруҳининг дастлабки мажлиси бўлиб ўтди.

РЕСПУБЛИКА Адлия, Ташки ишлар ва Ташқи-иқтисодий алоқалар вазирликлари ҳамкорлигида уюштирилган «Ўзбекистон қонунчилигининг Европа ҳамжамияти қонунлариға мослашуви муаммолари» муаммолари илмий-амалий конференцияда шу йил 1 июлдан қунига қирган Ўзбекистон Республикасининг Европа ҳамжамияти ва унга аъзо давлатлар билан ҳамкорлик битимининг мониторинг ва амалиёт масаласи муҳокама этилди.

ЖИЗЗАХДА Ўзбекистон Халқ демократик партияси-дан мамлакат президентлигиға номзод Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалоловнинг вилоят сайловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди.

РЕСПУБЛИКАМИЗ шаҳарлари, туманлари, аҳоли пунктлари ва халқ ҳўжалиги қорхоналарида ёнғин ҳавфсизлиги чораларини кучайтириш мақсадида республика Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишиға биноан шу йилнинг 15 декабрдан 2000 йилнинг 15 январига қадар мамлакатимизда ёнғин ҳавфсизлиги ойлиги ўтказилдиғани бўлди.

ТРАВМАТОЛОГИЯ ва ортопедиянинг хозирги кундаги ағд долзарб муаммолари нималардан иборат? Тошкентда барча вилоятлар ва МДХ мамлакатларида таширф буорган шу соҳалар мутахассислари иштирокчи бўлиб ўтган илмий-амалий анжуманда ана шу масала кенг муҳокама этилди.

РЕСПУБЛИКА пул-кредит сиёсати комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлисида пул муомаласини барқарорлаштириш, нақд пул муомаласини тўғри ташкил этиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақининг ўз вақтида тўлиниши учун вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик юритувчи субъектив раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги шу йил 17 ноябрдаги қарорининг бажарилиши муҳокама этилди.

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

РЕСПУБЛИКА «Наврў» ҳайрия жамғармасининг Окқўрғон туман бўлими Халқаро ногиронлар қуни муносабати билан бир қатар ҳайрия тадбирларини ўтказди. Жумладан, туман марказий ши-фохонасининг барча хоналариға 150дан зиёд ёритиш бепул ўрнатиб берилди. Шунингдек, ушбу ши-фохона бўлимлариға бир тонна пийёз ҳамда этиди.

«Наврў» жамғармаси туман бўлимининг ҳайру саховатидан, айниқса, ёлғиз қариялар, етим-есирлар, ногиронлар гоғт мамун бўлдилар. Уларнинг уйлариға қарийб 20 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийим-кечаклар элтиб берилди.

ЯНГИЙУЛ. Шаҳардаги мактаб ўқувчиларини бу йил янги йил арафасида ва таътил кунларида ажиб мўжи-залар кутмоқда. 29, 30, 31-декабрь кунлари шаҳарнинг марказий майдонида катта арча қад ростлайди. Арча атрофида «Салом, Янги йил!» театрлаштирилган томошалари бўлиб ўтади. Маданият ишлари ва «Камолот» жамғармаси шаҳар бўлимлари ўтказиладиган барча мактаблар-да қарнавал оқшомларини биргаликда режалаштирган. Но-гирон болаларға, кам таъминланган оилаларға шаҳар хо-кимияти томонидан махсус ажратилган совғалар топши-рилади.

БУГУН мамлакатимиздаги каби вилоятимизнинг қат-тор мактаблари ҳам Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбеки-стон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, бир неча фанлар бўйича таълим стандартларини ишлаб чиқишда фаол қатнашди-лар. Бунда турли соҳа ўқитувчиларининг синов майдон-чаларида орттирган тажирибалари муҳим аҳамият касб эт-ди. Айни пайтда уларнинг тавсиялари асосида Ўзбеки-стон тарихи, жаҳон тарихи, давлат ва ҳуқуқ асослари, она тили, адабиёт, ўзбек тили, мусиқа, тасвирий санъат, ин-глиз тили, олим тили, рус тили, иқтисодий билимлар, жўгрофия, биология фанлари бўйича тайёрланган ўқув-тажириба дастурлари китоб ҳолида чоп этилиб, қўллаш учун барча мактабларға юборилди.

БУСТОНЛИК туманининг баҳаво гўшаларидан бири-да жойлашган «Рохат» спорт-соғломлаштириш мажмуаси тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Тошкент тўқимачилик ва эн-гил саноат институти шу мақсадда етарли микдорда ба-ғлағ ажратди.

Олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари ҳамда тала-балари яқши хордик чиқарадиган бу саломатлик даргоҳи эндиликда қишин-ёзин ишлайдиган бўлди. «Рохат»да ўз саломатлигини тиклаш учун бериладиган йўлланма на-рхининг 70 фоизи институти қасаба уюшмаси қўмитаси ҳи-собидан қопланади. АНГРЕНДА янги савдо уйи очилди. Уни Ўзбекистон ва Қирғизистон қўмир саноати тармоқлари биргаликда барпо этидилар. Бу савдо тармоғи шу мамлакатларда қа-зиб чиқариладиган ёқилғини сотиш билан шуғулланади. Ўз фаолиятида хорижий давлатлардаги микозлар бюрот-маларини бажаришға алоҳида эътибор беради. Ҳар йили чет элларға қамийда бир миллион долларлик ҳажмда «қо-ра олтин» сотиш мўлжалланмоқда.

## МУНОСАБАТ ЯНА БИР ЭЪТИБОР

ҲАР БИР давлат, миллат, жамият ҳаётида шун-дай саналар учрайдики, улар беистисно бутун халқнинг, алоҳида олганда эса, ҳар бир фуқаро-нинг тақдирига бевосита дахлдор бўлади. Утган ҳафтада эълон қилинган Ўзбекистон Респу-бликаси Вазирлар Маҳкамасининг иккита қарорини, шубҳасиз, ана шундай катта аҳамиятға молик ҳужжатлар сирасига киритиш мумкин. Улар Ва-зирлар Маҳкамасининг «2000-2005 йилларда ёл-ғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришға қаратил-ган чора-тадбирлар дастури тўғрисида» ҳамда «Муборак Ҳаж зиёратига борувчиларға ёрдам қў-раштириш ҳақида» деб номланган қарорлардир.


Мамлакатимизда истиқлол шабадаси эса бошлаган даст-лабки кунларданок аҳолининг маълум тоифадаги қатламла-ри давлат гамаҳўрлиги билан тўлиқ қамраб олинди. Зотан, давлатимиз ички сиёсатининг сар устуни ҳисобланган беш тамойилнинг биттиси баъйни ана шу масалаға — кексалар-ни, пенсионерларни, ногирон-ларни, кам таъминланган ои-лаларни, ёрдамға муҳтож ин-сонларни кучли ижтимоий ҳи-моя этишға қаратилган эди. Мустақиллигимизнинг саккиз йили мобайнида бу жабҳада тилға олса арзиғулик ҳайрли тадбирлар амалға оширилди.

Шундай бўлса ҳам, дав-латимиз раҳбари ва ҳукума-тиз таъмури соҳаларни яна-да қамқорлаштириш чора-тадбирларини муттасил да-вом эттирмоқданди. Юқори-даги икки қарор матбуот на-шрларида чоп этилганидан сўнг, вилоятимизда истиқо-дат қилаётган айрим қария-лар билан мулоқотда бўлди. Бўка туманидан меҳнат фа-хрийси, кеска тиббиёт ходи-ми Б. Эргашев, Ангрэн шаҳ-рининг Облқ кўчилиғидан М. Курбанов, «Нуроний» жам-ғармаси Чирчик шаҳар бўли-ми бошлиғи Э. Аъзамов, Тошкент туманидан уруш фахрийси Х. Асилбековлар юқоридаги қарорлардан ўта мамнун бўлганликларини яширмдилар.

Лекин, айрим маҳкамалар, идоралар, баъзи бир қуйи раҳбарларнинг айби билан кексаларға, пенсионерларға, ногиронларға эътибор лозим даражада бўлмаётганлиги ҳам сир эмас. Эндиликда бундай нуқсонларға чек қўйилади, деб умид қиламиз. Шу боисдан ҳам қарорда «Йилнинг ҳар чоғиға яқини бўйича чоракдан кейинги ойнинг 10-кунига ҳисобот дарида дастур топшири-ларининг амалға оширилиши яқинлари тўғрисидаги тахли-лий ахборот Вазирлар Маҳ-камасиға тақдим этилисин», — деб қайд этилди.

Кексалар, пенсионерлар ва ногиронларға хизмат қў-рашадиган идоралар, ташки-лотлар, муассасалар фао-лияти бир қадар тарқок, қуйи тизимларнинг бир нуктаға марказлаштирилганлиги фуқароларға хизмат қў-раштиришда айрим қийинчиликлар туғдираётган эди. Бундан буён бу ҳолат ҳам энди аниқ узанға йўналтирилди. Қар-орда «2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенси-онерлар ва ногиронларни иж-тимоий ҳимоя қилишни кучайтиришға қаратилган чора-тадбирлар дастурини амал-ға ошириш ишларини муво-

## БУЮК ДАВЛАТНИ СОҒЛОМ АВЛОД КУРАДИ



КўХНА тарих гуваҳи, ҳамма замонларда ҳам бўлажак авлодларға буюк умид болганан. Зотан, авлодлар барқамол бўлса, миллат шон-шарафи динг таратган. Авлодлар соғлом бўлса, жасур, доғирок, бо-тир Атомчилар ўз мамлакатларининг соғик бажаришлариға айланган. Оқил ва закий авлодлар курагани давлат барпо этишда ҳайрли иш-ларни амалға оширган. Жисмонан ва руҳан пок авлод жамият тарқ-қиётини таъминлаган.

## КўЧМА АНЖУМАНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти сайло-вини ўтказувиш 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссиясининг вилоят оммавий ахборот восита-лари вакиллари учун ўтказган матбуот конферен-цияси сайловолди компанияси бошланғичдан буён ўтган давр мобайнида амалға оширилган ишлар маърузиси бағишланди.

Округ сайлов комиссия-сининг раиси Умар Муслимов йилғиланларға вилоят-да Ўзбекистон Республика-си Президенти сайловига тайёргарликнинг бориши тўғрисида сўзлаб берди. Сайловолди компанияси даврида 827та сайлов уча-сткиси тузилиб, улардаги ко-миссиялар таркиби тасдиқ-ланди. Мазкур участкалар жойлашган ҳудудлар туман-лар ва шаҳарлар микёсида тақсимланиб, ҳар бириға ок-руг комиссиясининг бир аъ-зоси масъул сифатида би-риктирилди. Ҳар бир уча-стка президентлиққа номзод-ларнинг плакатлари, уларни-нғ таржимаи ҳоллари ва



ридли. Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи ордени «Соғлом авлод учун» деб атаелани, «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси» тузиелани, «Умид» ташкилоти шафелиёда фарзандларининг хозирги мамлакатларда тахсил олаётгани, ёруғ дунёға бахту-саодат оғушида келаятган жасажилларимиз саломатлици ҳусу-сида гамаҳўрлик қўрашгани, оналар сизга-саломатлици борасида ҳайрли тадбирларни рўбعا чиқариш сай-ҳаракатлари фикри-зининг доғили була олади. Президентимиз айтганларидек «...Аёл-ларни, оналарни асраш керак дегани — бу фарзандларни асраш, наслини асраш, охир оқибатда милаатни асраш демократ». На-қадар фалсафий тўғри эан. Чунки, уша катта анжуманда ниҳат қилинганидек бошланғичдан янги аср она-Ватанимизға, халқи-мизға, жамиятимизға бахт-саодат, улкан муваффақиётлар кел-тирсин. Бутун халқимиз йўлбошимизини бу олижаноб фикри-ни қўллаб-қувватламоқда. Ана шу эзу мақсадлар билан яшаш, меҳнат қилиш, саховатли ишхотларни амалға ошириш ҳар қайси оила аъзосининг, ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчиға айлан-мак.

Сиз суратда ажиб манзарани кўриб турибсиз. Оналар, шифо-корлар, мураббиялар ёруғ дунёға келган мурак божаларнинг авайлаб-арқаблаб, қабул қилиб оламоқдалар. Баъйни ана шундай фарзандларини келажакда ажиб инсонлар — буюк давлат бунёдкорлари бўлиб етишса, ажиб эмас!.

учун тақдим этилади. Участка сайлов комиссиялари рўйхат билан қаерда ва қачон тани-шиш мумкинлиги ҳақида сайловчиларға хабар беради-лар. Айни кунларда участка сай-лов комиссиялариға уларни-нғ вазифалари ҳақида тушу-нчалар бериш борасида қат-тор тадбирлар амалға оширил-ляпти. Шу мақсадда вилоят ту-ман ва шаҳарларида минта-кавий ўқув семинарлари ую-штирилляпти. Хусусан, ўтган ку-ни Олмалик шаҳридаги Ме-таллурлар саройида Беко-бод, Бўка, Пскент, Ангрэн, Охангарон, Олмалик шаҳар ва туманлари, шу куни Янгийул шаҳрида эса, Окқўрғон, Қуйи-чирчик, Чиноз, Янгийул, За-ңиота, Тошкент туман ва ша-ҳарлари, кеча эса, Чирчикда Бўстонлик, Чирчик, Қибрай, Юқоричирчик, Паркент, Урта-чирчик туман ва шаҳарлари-да Президент сайловини ўт-казувчи участка сайлов ко-миссиялари раисларининг ўқув семинарлари ўтказилди. Бу тадбирларда сайловнинг қро-нуний асосида ушшоқлик би-лан ўтказилиши учун қўшим-ча тушунчалар берилляпти, маъжуд саволлар ва туғи-лаётган айрим муаммолар ўрганилиб, хал қилинмоқда. Мазкур ўқув семинарлари-да Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси-нинг котиби Анвар Саъдулло-ев иштирок этиб, жойларда Президент сайловини ўтказиш борасида тавсия ва йўриқлар бергани бу тадбирларнинг ну-фузини, амалий самарасини оширди, албатта. Матбуот конференцияси сўнгида У. Муслимов журна-листларни қизиқтирган бо-шқа саволларға ҳам жавоб қайтарди.

Убайдулла АБДУШОҒИДОВ, вилоят сайлов комиссиялари матбуот маркази раҳбари.

Раҳимберди УМАРОВ.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING ҚАРОРИ**  
**ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11 ва 46-моддаларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг 1999 йил 5 декабрь куни Олий Мажлисга ўтказилган сайлов натижалари тўғрисидаги баёнлари асосида қуйидагилар Олий Мажлис депутатлари этиб рўйхатга олинсин:

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:**

№	Депутатларнинг фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Номзод кўрсатган органнинг номи	Эгаллаб турган лавозими (машгулотининг тури)	Иш ва яшаш жойи	Сайлов округининг тартиб рақами ва номи
1	2	3	4	5	6	7
1.	Асадов Илхом Содиқович	1960	Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши	Ангрен шаҳар ҳокими	Ангрен шаҳри	150-Бинокор
2.	Бўрибоев Фозилжон Боқиевич	1951	Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши	Бекобод тумани ҳокими	Бекобод тумани	163-Зафар
3.	Зинин Сергей Иванович	1935	Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси котиби	Тошкент шаҳри	158-Машинасозлар
4.	Каримов Раҳмонкул Каримович	1954	Ўзбекистон Фидоқорлар миллий демократик партияси	Макрокритисодиёт ва ижтимоий тадқиқотлар институти директори	Тошкент шаҳри	164-Бўка
5.	Кучиев Мирзамашрап Разақович	1954	Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши	Қўбрай тумани ҳокими	Қўбрай тумани	168-Қўбрай
6.	Миралимов Жўрабой Деханбаевич	1954	Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши	Пскент тумани ҳокими	Тошкент шаҳри	153-Пскент
7.	Мирзақулум Умнат Маматқуллович	1943	Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши	Тошкент вилояти ҳокими	Тошкент шаҳри	170-Оққўрғон
8.	Мухитдинова Фарруха Фахриддиновна	1955	Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари	Тошкент шаҳри	154-Оҳангарон
9.	Нигматов Уткур Убайдуллаевич	1957	Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши	Акционерлик тижорат «Саноатқурилишбанк» бошқаруви раиси	Тошкент шаҳри	159-Чорвоқ
10.	Сигедин Виталий Николаевич	1937	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Олмалик тоғ-металлургия комбинати бош директори	Олмалик шаҳри	152-Олмалик
11.	Ферманов Александр Косимович	1958	Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши	«Ўзбекистон металлургия комбинати» акционерлик ишлаб-чиқариш бирлашмаси бош директори	Бекобод шаҳри	151-Бекобод
12.	Холматов Рустам Курбонназарович	1961	Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши	Чиноз тумани ҳокими	Чиноз тумани	171-Чиноз
13.	Холтоев Туроп	1945	Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши	Паркент тумани ҳокими	Паркент тумани	160-Паркент
14.	Хошимов Уткир	1941	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси	Тошкент шаҳри	156-Ўрта-чириқ
15.	Хўдояров Махаммаджон Бердибоевич	1953	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	«Янгийўл ёғ-мой» акционерлик жамияти раиси	Янгийўл шаҳри	162-Янгийўл
16.	Ғуломов Дилбар Муҳаммадхоневна	1941	Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши	Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси	Тошкент шаҳри	165-Зангиота

Марказий сайлов комиссияси Раиси  
Тошкент шаҳри, 1999 йил 10 декабрь.

Н. КОМИЛОВ.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING ҚАРОРИ**  
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи айрим сайлов округларида такрорий овоз беришни ўтказиш кунини белгилаш тўғрисида**

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11 ва 43-моддаларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ўтказилган сайлов комиссиялари тақдим этган баёнлар асосида қуйидаги 68та сайлов округида 1999 йил 19 декабрь куни такрорий овоз бериш ўтказилсин:

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:**

155-Тўйтепа сайлов округи
157-Кимёгар сайлов округи
161-Юқоричириқ сайлов округи
166-Қизғалдоқ сайлов округи
167-Салор сайлов округи
169-Қуйчириқ сайлов округи
172-Навабахор сайлов округи
173-Эски Қовунчи сайлов округи

Марказий сайлов комиссияси Раиси

Н. КОМИЛОВ.

Тошкент шаҳри, 1999 йил 10 декабрь

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА**  
**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА**  
**АХБОРОТ**

Олий Мажлисга, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига 1999 йил 5 декабрда бўлиб ўтган сайлов мамлакатимиз фуқароларида катта сиёсий фаолликни жўш урдирди. Сайловда иштирок этган сиёсий партиялар қўлайлигини, депутатликка бевосита фуқаролар томонидан ҳам номзодлар курсатилганлиги сайлов кампаниясининг барча босқичлари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилганлиги ҳар кимга давлат ишларини бошқарувдаги ўз иштирокини, Ўзбекистон истиқболи учун масъулиятини ҳақиқий тарзда ҳис этиш ҳамма ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш имконини берди.

Депутатлар сайлови ҳамма ерда уюшқоқлик билан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, сайлов тўғрисидаги қонуни ҳужжатлари талабларига мувофиқ ҳолда ўтди ҳамда Ўзбекистонда демократик жараёни янада

ривожлантириш йўлида, ҳуқуқий давлат қуриш ишида яна бир муҳим қадам бўлиб қолди.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунга мувофиқ Ўзбекистонда халқ депутатлари вилоят Кенгашларига сайлов ўтказувчи 689та, туман Кенгашларига сайлов ўтказувчи 4617та, шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи 859та сайлов округи ҳамда 7723та сайлов участкаси, шунингдек тегишли ҳудудий, округ ва участка сайлов комиссиялари тузилди. Барча сайлов комиссиялари тарқибда 120 мингдан ортиқ киши иш олиб борди.

Маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига ҳаммаси бўлиб «Адолат» социал демократик партияси, «Ваган таракли» партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси, Фидоқорлар миллий демократик партияси, Ўзбекистон халқ демократик партияси, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатилган қарийб 17 минг номзод рўйхатга олинган эди. Ўрта ҳисобда вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи бир округ бўйича тўрт нафарга яқин, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи бир округ бўйича эса учтадан номзод рўйхатга олинди.

Мамлакатимиз бўйича 12692202 нафар киши сайловчилар рўйхатига киритилган бўлиб, уларнинг 12061266 нафари ёки 95,03 фоизи овоз беришда иштирок этди.

Тегишли сайлов комиссияларининг маълумотларига қараганда барча округларда сайлов бўлиб ўтган деб топилди. 5 декабрдаги овоз бериш натижаларига кўра халқ депутатлари вилоят Кенгашларига 464 киши, туман Кенгашларига 4112 киши ва шаҳар Кенгашларига 624 киши депутат этиб сайланган.

Маҳаллий вакиллик орган-

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING ҚАРОРИ**  
**ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА**

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11 ва 45-моддаларига мувофиқ, сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг 1999 йил 5 декабрь куни Тошкент вилоят Кенгашига ўтказилган сайлов натижалари тўғрисидаги баёнлари асосида қуйидагилар Тошкент вилоят Кенгаши депутатлари этиб рўйхатга олинсин:

№	Депутатларнинг фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Номзод кўрсатган органнинг номи	Эгаллаб турган лавозими (машгулотининг тури)	Иш ва яшаш жойи	Сайлов округининг тартиб рақами ва номи
1	2	3	4	5	6	7
1.	Абдухамидов Абдукарим Абдураимович	1947	Ҳокимият вакиллик органи	Бўстонлик тумани «Бурчмулло» ўрмон хўжалиги директори	Бўстонлик тумани	24-«Чорбоғ»
2.	Абдухамидова Тамара	1951	ЎЗХДП	Ўрта-чириқ туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси	Ўрта-чириқ тумани	47-«Истиқлол»
3.	Агзамов Сражитдин Хидоятович	1952	ЎЗХДП	ЎЗХДП Тошкент вилояти Кенгаши 1-котиби	Тошкент шаҳри	42-«Юнусобод»
4.	Азизхужаев Дониёр Тошхужаевич	1944	Ҳокимият вакиллик органи	Чирчиқ шаҳар ҳокими	Чирчиқ шаҳри	14-«Трансформаторчилар»
5.	Алимов Бахтиёр Рузиевич	1951	Ҳокимият вакиллик органи	Тошкент тумани ҳокими	Тошкент шаҳри	43-«Келес»
6.	Арзиева София	1952	Ҳокимият вакиллик органи	Бекобод тумани Ойбек номли жамоа хўжалиги аъзоси	Бекобод тумани	19-«Далварзин»
7.	Арзиқулов Хужаназар Жуманазарович	1959	ЎЗХДП	Бекобод тумани Навоий номли жамоа хўжалиги раиси	Бекобод тумани	18-«Пушкин»
8.	Асанов Бейсенбай Майлибаевич	1946	Ҳокимият вакиллик органи	Бўстонлик тумани «Енбек» жамоа хўжалиги раиси	Бўстонлик тумани	22-«Фазалкент»
9.	Балашов Сағлам Балашович	1946	ЎЗХДП	Оҳангарон тумани С. Раҳимов номли ширкат хўжалиги раиси	Оҳангарон тумани	37-«Облик»
10.	Беланов Юрий Николаевич	1945	Ҳокимият вакиллик органи	Олмалик шаҳар ҳокими	Олмалик шаҳри	8-«Металлург»
11.	Ганиев Нурулла Валиевич	1960	ФМДП	«Энергоқурилиш-индустрия» ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи	Бўстонлик тумани Тошкент шаҳри	23-«Искандар»
12.	Дадабаев Умар Юсупович	1949	Ҳокимият вакиллик органи	«Бекободцемент» хиссадорлик жамияти бошқаруви раиси	Бекобод шаҳри	6-«Фарход»
13.	Дехонбоев Абдугани	1948	Ҳокимият вакиллик органи	Оққўрғон тумани ҳокими	Юқоричириқ тумани	34-«Олимкент»
14.	Дехонбоев Каюмбой	1951	Ҳокимият вакиллик органи	Ўрта-чириқ тумани ҳокими	Ўрта-чириқ тумани	45-«Ким Пен Ха»
15.	Ибрагимов Малик Мирзаалимович	1952	Ҳокимият вакиллик органи	«Паркентсуқурилиш» трести бошқарувчиси	Паркент тумани, Тошкент шаҳри	39-«Гулистон»
16.	Ибрагимов Улугбек Махаматович	1957	Ҳокимият вакиллик органи	Оҳангарон тумани ҳокими	Оҳангарон тумани, Ангрен шаҳри	36-«Озодлик»
17.	Икрамов Мирзамурат	1949	Сайловчилар ташаббускор гуруҳи	Республика кишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази Тошкент вилояти бўлими бошлиғи ўринбосари	Тошкент шаҳри	46-«Тўйтепа»
18.	Калкулов Мирзаходжа Низаметдинович	1949	Ҳокимият вакиллик органи	Юқоричириқ тумани ҳокими	Юқоричириқ тумани	50-«Истиқлол»
19.	Карабаев Шўҳрат Юлдашбаевич	1954	Ҳокимият вакиллик органи	Янгийўл шаҳар ҳокими	Янгийўл шаҳри	17-«Янги ҳаёт»
20.	Мирзақулум Умнат Маматқуллович	1943	Ҳокимият вакиллик органи	Тошкент вилояти ҳокими	Тошкент шаҳри	33-«Ўзбекистон»
21.	Мухитдинов Фатхиддин Фазлиддинович	1957	Ҳокимият вакиллик органи	«Тошкент ҳақиқати» газетаси бош муҳаррири	Зангиота тумани	27-«Узағариш»
22.	Назаров Акмал Анаварович	1960	ЎЗХДП	Қўбрай тумани «Маданият» жамоа хўжалиги раиси	Қўбрай тумани	29-«Чинобод»
23.	Насимов Нумон	1933	Ҳокимият вакиллик органи	«Нуроний» жағғармаси Тошкент вилояти бўлими раиси	Тошкент шаҳри	16-«У. Юсупов»
24.	Насрединов Джалолiddин	1950	Ҳокимият вакиллик органи	Бекобод шаҳар ҳокими	Бекобод шаҳри	5-«Металлург»
25.	Нурматов Хасан Имамқуллович	1952	Ҳокимият вакиллик органи	Зангиота тумани ҳокими	Зангиота тумани, Қўбрай тумани	25-«Назарбек»
26.	Нуров Хазраткул	1947	Ҳокимият вакиллик органи	Пскент тумани А. Дўстбеков номли жамоа хўжалиги ташқи бошқаруви раиси	Пскент тумани	41-«Ўзбекистон»
27.	Обидов Раҳимжон Каримович	1955	Ҳокимият вакиллик органи	Бўка тумани ҳокими	Бўка тумани	20-«Бўка»
28.	Осмонов Шевкет Меметович	1936	Ҳокимият вакиллик органи	Ангрен «Саноатқурилиш» хиссадорлик жамияти раиси	Ангрен шаҳри	4-«Шифоқор»
29.	Расулов Александр Махаматшуккурович	1959	Ҳокимият вакиллик органи	Оҳангарон шаҳар ҳокими	Оҳангарон шаҳри	10-«Хонобод»
30.	Рашидов Абдусаттор Хафизович	1947	Ҳокимият вакиллик органи	Пскент тумани «Еқуббек» хусусий корхонаси раҳбари	Пскент шаҳри	40-«Туркистон»
31.	Сайдуллаев Абдулжолор Кадрович	1960	ФМДП	Ангрен шаҳар нон заводи муҳандис технология	Ангрен шаҳри	3-«Геолог»
32.	Султонов Абитхужа Дадаходжаевич	1952	Сайловчилар ташаббускор гуруҳи	Қўбрай тумани Т. Нормухамедов номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси	Қўбрай тумани	30-«Янгиобод»
33.	Тажиева Мехрибон	1945	Ҳокимият вакиллик органи	Қўбрай тумани «Унқўрғон» кишлоқ фуқаролар йиғини раиси	Қўбрай тумани	28-«Унқўрғон»
34.	Тожибоев Йўлдошбой Ахмедович	1948	Ҳокимият вакиллик органи	Янгийўл туман ҳокими	Янгийўл тумани	54-«Шўралисой»
35.	Тоиров Маҳмуджон	1952	Ҳокимият вакиллик органи	«Паркент тонги» газетаси муҳаррири	Паркент шаҳри	38-«Кўёш»
36.	Файзиев Джахангир Абидович	1963	Ҳокимият вакиллик органи	Қуйчириқ тумани ҳокими	Қуйчириқ тумани, Тошкент шаҳри	32-«Дўстобод»
37.	Ҳоджаева Сайёра Отахоновна	1954	Ҳокимият вакиллик органи	Тошкент вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси	Тошкент шаҳри	53-«Нўғай»
38.	Шералиева Бибиноҳ Абдуллаевна	1951	ЎЗХДП	Қўбрай тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси	Қўбрай тумани	31-«Байтқўрғон»
39.	Эльчибоев Кодиржон	1948	Ҳокимият вакиллик органи	Оққўрғон тумани «Оққўрғон» ширкатлар бирлашмаси раиси	Оққўрғон тумани	35-«Оққўрғон»
40.	Юлдашев Шавкат Хасанович	1964	ЎЗХДП	Чирчиқ шаҳри «Мутахассис» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори	Чирчиқ шаҳри	11-«Саноатчилар»
41.	Юсупов Аббор Мансурович	1952	Ҳокимият вакиллик органи	Ангрен шаҳри «Ўзбекрезинтехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори	Ангрен шаҳри	2-«Кимёгар»

Тошкент вилоят сайлов комиссиясининг раиси  
Тошкент шаҳри, 1999 йил 10 декабрь.

Ф. МИРЗААХМЕДОВ.

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING ҚАРОРИ**

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 42-моддасига мувофиқ, сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг 1999 йил 5 декабрь куни Тошкент вилоят Кенгашига ўтказилган сайлов натижалари тўғрисидаги баёнлари асосида қуйидаги 13та сайлов округида 1999 йил 19 декабрь куни такрорий овоз бериш ўтказилсин:

- 1- «Нурчи»
- 7- «Наврўз»

- 9- «Кўрпасой»
- 12- «Шифоқорлар»
- 13- «Тикучилар»
- 15- «Янгиобод»
- 21- «Бўстон»
- 26- «Қатортол»
- 44- «Қизғалдоқ»
- 48- «Чиноз»
- 49- «Олмазор»
- 51- «Жумабозор»
- 52- «А. Ортиқов»

Тошкент вилояти сайлов комиссияси раиси  
Тошкент шаҳри, 1999 йил 10 декабрь.



Ажиниёнинг 175 йиллигига

# ҚОРАҚАЛПОҚ БУДБУДУ

**ҚАДИМГИ** юнон мифологиясида Орфей деган афсонавий созанда ҳақида талай ривоятлар бор. У эзининг кифараси билан куй ижро этганда, ҳаттоки ша моллар ҳам эсишдан тўхтар экан. Қорақалпоғистоннинг эрқа ва мумтоз шоири Ажиниёнинг шеърларини ўқиганда беихтиёр ўша Орфей ёдга келади.

Ажиниёз Кўсубой ўғли (тахаллуси Зийвар) 1824 йилда кўпроқ Орол денгизи соҳилларида, Амударёнинг денгизга қуйилиш жойларида истикомат қилувчи Қиёт-Ачамайли уруғи яшайдиган овулда дунёга келди.

Бу ерларда яшовчи элатлардан аксари ниҳоятда истеъдодли достончилар, бахшилар етишиб чиққан. Қун-хўжа, Бердах, Оташ, Умар, Гулмурод сингари шоирлар орасида Ажиниёнинг узига хос ўрни бор.

Ажиниёз ўз даврининг барча зулм-ситамларини бошидан кечирди. Овулдошларнинг оғир меҳнатларини кўриб, юраги жунбуша келди. Қўлига илк бор соз олди. У илк шеърларини яратди. Уша пайтларда илмий, маърифий, маданий марказ сифатида барча Хоразмнинг пойтахти Хивага интиларди. Ажиниёз ҳам билим олиш ниҳоятда Хивага йўл олди. У

тилга кўчиб, одамларни қурашга илҳомлантирди.

Халқ орасида маълум бўлган ҳикоятга қараганда, хибсага олинган бўзатовликларнинг ичида Ажиниёз ҳам бўлган. Қубатовда голиблар катта мажлис қурадилар. Ажиниёзнинг Хивада ўқиб келганини, шеърлар ёзишини эшитиб, уни гулхан ёнига чорлашади. Қўлига дўмбира бериб, тонг отгунча кўшиқ айттиришади. Сўнгра истеъдодли, билимига тан бериб, уни оломондан ажратиб, ташлаб кетишади. Лекин, Ажиниёз юртига қайтмай, ўз халқи билан изма-из боради. Эл бошига тушган бу мушкулот шoirнинг юрак бағрини эзиб юборгани унинг «Бўзатов» номли шеърда яққол намоён бўлади.

Ажиниёзнинг шеърларида балкиб турган Ватан мавзуси арман шоири Хачатур Абовянининг «Арманистон жароҳатлари», ўзбек шоири Фурқатнинг хижрат газаллари, қозок шоири Махамбетнинг эл гамини куйлаган «Қизғиш қўшим» каби шеърлари билан ҳамоҳанг жаранглайди. Зеро, Ватанини улуғлаш, уни севиб, Ажиниёз шеърятининг ўз илдизи десак тўғри бўлади.

Ажиниёзнинг шеърларида балкиб турган Ватан мавзуси арман шоири Хачатур Абовянининг «Арманистон жароҳатлари», ўзбек шоири Фурқатнинг хижрат газаллари, қозок шоири Махамбетнинг эл гамини куйлаган «Қизғиш қўшим» каби шеърлари билан ҳамоҳанг жаранглайди. Зеро, Ватанини улуғлаш, уни севиб, Ажиниёз шеърятининг ўз илдизи десак тўғри бўлади.

Ажиниёзнинг шеърларида балкиб турган Ватан мавзуси арман шоири Хачатур Абовянининг «Арманистон жароҳатлари», ўзбек шоири Фурқатнинг хижрат газаллари, қозок шоири Махамбетнинг эл гамини куйлаган «Қизғиш қўшим» каби шеърлари билан ҳамоҳанг жаранглайди. Зеро, Ватанини улуғлаш, уни севиб, Ажиниёз шеърятининг ўз илдизи десак тўғри бўлади.



манд бўлган десак, тўғри бўлади.

Ажиниёзнинг ижоди қорақалпоқ адабиётининг ривожига зўр таъсир кўрсатди. Шоирнинг ижодида хос бўлган равонлик, назокат, Аябберган, Аббос Добилов каби ўнлаб шоирларнинг ижодида аниқ кўринади.

Ажиниёзнинг 175 йиллик тўйи — халқимизнинг катта наъми байрамидир. Унинг жўшларини шеърятини жуда кўп аждоғларни ўзгалликка, муҳаббатга, яхшиликка ошно қилади.

Темир ТИЛЛАЕВ.

## АЖИНИЁЗ ҚОРА КЎЗЛИ

Қора кўзли, ширин сўзли дилбарим,  
Сендан ўзга сўяр ёрим йўқ меннинг.  
Тоза гулистоним, моҳи анварим,  
Ҳасратингда ҳеч қарорим йўқ меннинг.

Сени кўрсам меннинг кўнглим бўлар шод,  
Жаҳоннинг гамидан бўларман озод,  
Назокат бобиди қомати шамшод,  
Сендан ўзга зулфизарим йўқ меннинг.

Нозил дилбар, сенсан вафоли жонон,  
Хўшнинг зийсига қолурман ҳайрон,  
Ширин жоним бўлсин йўлингда қурбон,  
Сендан ўзга сўяр ёрим йўқ меннинг.

## ГЎЗАЛЛАР

Қил боқиб, ширин жонингни олиб,  
Юз минг жилава билан чиқар гўзаллар.

Юрагимга сира ўчмас чўғ солиб,  
Ширин жоним ўтда ёқар гўзаллар.

Турнадек хиромон, сўнадек юрган,  
Юз ноз, ишва билан қабоғин кержан,  
Сочларига лағли, маржонлар тергай,  
Минг ғамза ноз билан боқар гўзаллар.

Қора кўзи гавҳар каби жовдираб,  
Кийгани юргани сайин ятираб,  
Мунчоқлари сирли-сирли шилдираб,  
Сузиб камон қошин қоқар гўзаллар.

Туя марақада йигит жам бўлса,  
Қун-туни эл-эллат кулгига тўлса,  
Шула замон қизлар соллона келса,  
Ёндириб, қуядириб чиқар гўзаллар.

Ёримни кўрандим ўн тўрт ёшимда,  
Қизлар юрак меннинг тегра-тошимда,  
Зийвар айтур ёр савдоси бошимда,  
Бул савдо бир қуни йиқар гўзаллар.

Темур УБАЙДУЛЛО таржималари.

## ИБРАТНОМА ОЛИЖАНОБЛИК

Шаҳарда тун. Атроф сув куйгандек жимжит. Мадинадаги хонадонлардан бирида ҳомилдор аёл кўзи ёриш дамида. Соҳиб хонадон нима қиларини билмасди. Аёлини тўлқоқ тутаяпти. Шунда бирдан эшик тақиллади. Эркак бирмунча муддат таратди, эшик томон югуриб борди. Очса бир нотаниш киши. Уй эгаси ҳайрон бўлиб нотаниш кишига қаради. Нотаниш киши эса: «Эй, биродар! Нима ҳолатингиз бор? Қандай ёрдам керак? Айтинг, қўлдан келганича ёрдам берамиз», деди. «Бу инсонми ёки фарштанми? Қаердан келиб қолди? Бу ўзи ким?» деган саволлар соҳиб хонадонни чулғаб олди.

— Аёлимнинг кўзи ёрийдиган. Нима қиларини билмай турган эдим, — деди охир у.

— Ҳозир, шовмай туринг, мен дарҳол уйга бориб аёлимни олиб келаман, — деб нотаниш киши ортига равона бўлди. Уйга етиб келиши биланок: «Эй, Асмо, ҳолис бир хайрли иш қиласизми? Бир одамнинг аёли туғиш арафасида экан. Агар рози бўлсангиз, керакли нарсаларни ҳозирланг», деди.

— Ҳўп бўлади, жоним билан, ҳолис измат жуда савобли иш.

— Бўлмаса, тезроқ тайёргарлик кўриб, меннинг орқамдан юрақолинг.

Аёл керакли нарсаларни олиб, икковлари шошилганча йўлга тушдилар. Етиб келган, Асмо аёл ётган хонага кириб кетди. Нотаниш киши эса, келтирган нарсалардан соҳиб хонадоннинг изни билан оқват тайёрлашга киришди. Бир канча вақтдан кейин икковларидан чақалоқнинг йиғиси эшитилди. Сўнгра Асмо хонадан чиқиб: «Хўшбабар, эй, амирал мўминин, ўғил туғилди», — деди. «Амирал мўминин» деган сўзни эшитган хонадон эгаси на бир оёз сўз айтишга, на бир ҳаракат қилишга мадори қолмади. Ниҳоят: «Сиз амирал мўминин Умар ибн Ҳаттобми? Биздек бир оқиб, ночор одамларга шунчалик ғамхўрлик қиласизми? Узр, билмай қолганимиз, тақсир», дея олди. Шунда амирал мўминин Умар ибн Ҳаттоб: «Эй, биродар! Биз ҳам сизга ўхшаш Оллоҳнинг бир бандасимиз, биз ҳам савоб истаб юрмоқчимиз. Бу қилган ишларимиз ҳеч бир мактовга лойиқ эмас. Биз факатгина зиммамиздаги инсонлик бурчимизни адо этдик, ҳолис деди.

Абдуқайюм ҲИҚМАТОВ тайёрлади.



«ОЛМАЛИҚ» ШАРАФЛАНДИ

ШУ КҮНИ «Металлург» маданият саройи гавҳум бўлди. Бу ерда футбол иштиқозлари — юзлаб олмалиқликлар тўпландилар. Улар «Олмалиқ» футбол жамоасини шарафлаш тантаналарида иштирок этдилар.

Шаҳарнинг етакчи футбол жамоаси бўлган «Олмалиқ» вилоят бўйича мусобақаларда муваффақиятли қатнашди. Иккинчи

қўмитаси раиси Баҳром Ғофуров футболчиларга чемпионлик медаллари ва фахрий ёрликларини топширди. Жамоа устози Сергей Медянский вилоятнинг энг яхши тренери дипломи ва махсус мукофот билан тақдирланди. Жамоанинг муваффақиятларида клуб президенти Азиз

Ақромовнинг ҳам хизматлари катта эканлиги қайд қилинди.

«Олмалиқ»нинг ҳомиёлари — шаҳардаги барча йирик корхона-ташқилотлар жамоалари вакиллари футболчиларга совға-саломлар топширишди. Собир ҲАМИДОВ.

## Кулгига нима етсин

Шоир ва драматург Ҳайдар Муҳаммаднинг номи адабиёт муҳлисига яхши таниш. Унинг қаламига мансуб «Хотинлар» «Ғап-идан чиққан хангома», «Тошкентнинг нозанин маликаси», «Илак гиламлар» сингари ўнлаб драмаларини томошабилар савиб томоша қилишди. Муаллиф яқинда халқимизнинг ажойиб санъаткори Соиб Хўжаев ҳақидаги ҳаётий хангомаларни тўлаб, китоб ҳолига келтирди. Қуйида ушбу китобга кирган хангомалардан намуналар ўқийсиз.

## СОИБ ХЎЖАЕВ ҲАНГОМАЛАРИ ОШАТИБ ЮБОРИНЛАР

Бир гуруҳ санъаткорлар билан Соиб Хўжаев пахта теримига боришибди. «Ҳамма пахтакор» широк авжига минган вақт экан. Дала хашарчилар билан тўла. Вақт тушлик бўлиб қолди. Икки чиройли киз келиб, Соиб Хўжаевни ўз давраларига тақлиф қилибди. Бирга тушлик қилиш учун. С. Хўжаев рози бўлиб, борибдилар. Борсалар, ўн чоғлик қизлар давраси ўртага катта сопол лағанда палов қўйиб ўтиришибди. Шунда қизлар оқушлардай гур этиб туриб, тўрга ўтишдан аввал қўл ювиб олишни тақлиф қилишибди.

— Кизларим, мен ҳозир паловдан олдин қўлимни ювмайман, — дедди С. Хўжаев. — Нега? — хайрон бўлиб сўрашибди қизлар.

— Нега, дейсизларми? Биринчидан, мен паловга қўлимни урмайдим. Иккинчидан, Сизлар менга бир ошадан ошатақсизлар. Қорним тўяди қолади, — деган эканлар.

ТУМШУНГАН ОТАМАН «Малиновкада тўй» спектаклида

## ХОТИН КИШИ СУДЬЯ БЎЛСА

Бир қуни бир муҳбир Соиб Хўжаевга савоб берипти: — Соибжон ака, оилада хотин кишининг судья бўлиб ишлашига қандай қарайсиз? — Жуда яхши қарайман, — дедди С. Хўжаев. — Нима учун? — муҳбир яна сўрапти. — Нима учун дейми? Шунинг учунки, хотин киши судья бўлиб ишласа, уйда тушганча судья, тушдан кейин прокурор. Шунинг учун оила тартиби, — деб савоб берган экан.

Ҳайдар МУҲАММАД (Давоми бор).

## ҲАЖМА ҲИҚМАТЛАР

- Тавба-тазарру до-нишмандлик сари қўйилган илк қадам-дир.
- Ўзига ниобатан қат-тиққил, ўзгаларга юмшоқ феълли одамгина қийинчи-лики енгади.
- Камбағалнинг ҳисо-бига бойиш — қаш-шоқликнинг бир кў-ринишидир.
- Ҳеч нарсага қодир бўлган одам ҳар нарсага қодир.
- Жасур одам кўр-кў-ни, донишманд ҳа-жонни билмайди.
- Оққўнғил инсон масъуллиқ ҳиссини, пастваш эса, фой-да томонини уйлай-ди.
- Юқорига кўтарилган сари тушишдаги оғ-риқ кўчяди.
- Муваффақият доимо ота-онига эга, муси-бот ёлғиз.
- Ер юзиде сўзчалик қули қудрат ва сўз-чалик оқиб ҳеч нар-са йўқ.

Муқаддас БОНУ тайёрлади.

## МАҚСАД — ОММАВИЙЛИК

### 64 ХОНА, 32 ДОНА, БИР ХОНАСИ... «ҲАСРАТ»

БУ мақолим, сўз ўйиними, нима? Буни эшитганимга 50 йилча бўлди, хали-хали қулоғимдан кетмайди. Уша пайтларда Наманганда Мирсоли Шохиров исмли «Қи-зил аълам», «Мот аълам» лақабли отахон яшарди. Бу киши республикамизда шохмот ўйини тараққийтига сал-моқли ҳисса қўшганлардан бири эди. Мирсоли ота ўйи-ни зўрлардан бўлмасда, бошқа хусусиятлари билан ёшларни ўзига жалб этарди. Ажойиб ташкилотчи сиф-атида у ҳаммаёқни «шохмотта бостириб» юборган.

У киши амалий ўйинда ўз шогирдларидан ҳам мот бў-либ турарди. Шунинг учун ҳам ҳазилкашлари унга «Мот аъ-лам» лақабини «ёпиштирган» бўлишлари керак.

Бўлган воқеалардан бири-ни эшитинг: Тошкентлик шохмотчи Зо-ир оксоқол билан Мирсоли аълам ўйинини кузатиш мақ-садида ўйинни билган-билма-ган иштиқозлар Наманганда-ги машҳур «Восток» ноҳиона-сига йиғилди. Чойхонага одам тўлиб кетишига шохмот ўйинчиларнинг сўзамоллиги ҳам сабаб бўлган, албатта.

Мирсоли аъламнинг аҳво-ли танг, ютақиб қўйишига сал қолган. Агар шундай бўлса, унинг кўчадан бамайлихотир ўтиши янада ақил-маҳол бў-либ қоларди. Билмадим, яна қандай лақаблар ортирарди у. Залда шов-шув бошланди: «Аъламининг аҳволи чатақ,

юзимизни шувит қилмасайди?» «Кўчинг етмас экан, нега мун-ча одам тўладинг?», «Ютақиб турибти-ю, баландларов гапи-ни қўймаганини қаранг...»

Шу пайт Аълам жлдиди ту-риб, асп билан ҳамма эшитиш-да тахта устидаги доналарни йи-ғиштириб, «оксоқол, мот бўл-дингиз» деди. Уйинини билан-диганлар ҳам, оксоқол ҳам хайрон бўлиб қолдишди, шох-мотта унча тушунилмайдиганлар эса «бизнинг аълам ютдилар» деб, уни қарсаққа қўшиб юбо-ришди.


Ҳижолатпазлиқнинг олдини олишга «қулурган» аълам, ок-соқолга секин шивирлади: — Яхшиси мот бўлдим, деб тураверинг бўлмаса бошин-гизга бир хурма қатик қуйво-раман.

Йўқ, Аълам ҳамма вақт ҳам шундай «ғирром»ни қилмас-

## Шохмот

1959 йилда Тошкентда ўтқа-зилган Осиё мамлакатлари би-ринчи халқаро турнирида шун-дай воқеа юз берган эди. Бу йи-рик мусобақанинг биринчи ту-рида мен Индонезия вакили Ара-фа Бахтиёр билан учрашдим. Уйининг бошланғич қисми (де-бют)да хатога йўл қўйдим-у, ба-лага қолдим. Рақибимнинг ота-лари йўлбардек, филлари эса шердек ҳужумга ташланди. Ик-ки пийда эвазига ўз синхларим-ни активлаштиришга эришдим. Уйин кечиктирилди ва эртасига давом эттирилди. Икки-уч юриш-дан сўнг вазият ўзгарди — Бах-тиёр чамаси, дуранга рози эди. Шу пайт ҳаддимдан ошдим, ду-ранг ўрнига ўйинни ютиш йўл-ларини қидира бошладим. По-зицияга тўғри баҳо бермаслик менга қимматга тушди — ноль билан «тақдирландим». Ушандан бери тахтанинг «ёз» хонасини ў-ер шаридаги одамлар 217 миллиард йил давомида до-наларни ўқдан бу ёқда суриш-ларинг керак экан. Бу секундига ми-нг-миляда операция бажа-радиган ҳозирги замон элек-тр-ҳисоблаш машиналарининг ҳам қўлидан келмайди. Аммо инсон мияси, унинг ақл-зако-вати ми-нг-миляда имконият-лар орасидан «пичоқда илчан-диган»ларини дарҳол ажратиш хусусиятига эгадир.

Маммажон МУХИДДИНОВ (Диаграммда оқлар бош-лаб дуранга эришди. Дона-ларга қўл урмай, фикран ечишга уриниб кўринг-чи, азизлар).



Паркент туманидаги «Заркент» жамоа ҳўжалиги ширкатлар уош-масига айлантирилиши муносабати билан ТУГАТИЛАДИ. Даволаер эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида ҳўжалиқда қабул қилинади.

**ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ** • **ТОШКЕНТ БАҚИРАТИ**

**Муассис:** ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

**Бош муҳаррир:** Фатҳиддин МУХИДДИНОВ

**Манзил:** 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

**Шеффонлар:** хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

• Эълон ва билдиру-лардаги факт ҳамда да-лилланинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берув-чилар масъулдир.